

Шарқ уйғониш даврида илм фан ва маданият

ТДШИ “Педагогика ва психология”
кафедраси катта ўқитувчиси
п.ф.н. Зоҳидова Д.А.

Халқимиз меросининг ноёб намуналарини аниқлаш ва тўплаш, уларни асраб авайлаш, халқ, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, улар орқали мустақиллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини, равнақини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини таъминлаш зарурдир.

Ота-боболаримиз ёзиб қолдирган бебаҳо асарлар лотин, қадимий француз, итальян, испан, немис тилларига таржима қилинган бўлиб, инсонларнинг янада маърифатли бўлишига ёрдам бериб келган. Шундай энг муҳим асарлар қаторига «Соф биродарлар ва содиқ дўстларнинг номалари» деб аталган энциклопедик асарни ҳам киритиш мумкин. «Соф биродарлар» – бу диний-фалсафий уюшма бўлиб, у X асрнинг иккинчи ярмида Боғдод халифалигида, ўша замоннинг буюк олимлари Абу Сулеймон Мухаммад Ибн Носр, Ал Бустий, Абул Хасан Али Ибн Хорун, Абу-Ахмад Ан-Нахражури, Ал-Ауфи ва Зайд Ибн-Рфаа ва бошқалар томонидан ташкил этилган. «Соф биродарлар» аъзолари ўзларининг олдиларига қуйидаги мақсадларни қўйган эдилар: 1) маърифатпарварлик – дунёвий таълим ва маърифатни тарғибот қилиш; 2) фалсафий ва табиий илмий билимларни оммалаштириш; 3) фанларни ҳар томонлама ривожлантириш. Исломни инкор қилмаган ҳолда, улар дин билан боғлиқ бўлмаган илмий-фалсафий билимларни, таълим-тарбия ва маърифатни оммалаштиришга ҳамда барча диний таълимот ва йўналишларни бирлаштиришга чақирганлар. Ушбу уюшманинг намояндалари «Соф биродарлар ва содиқ дўстларнинг номалари» деб аталган жуда йирик фанлар қомусини яратдилар. Бу қомусий асарнинг асл нусхаси ўзида 52та рисолаи мужассамлаштирган бўлиб, унда уларни жойлашиши ўрта асрларда мавжуд бўлган фанларни таснифлаш қонунларига асосланган.

Унда: риёзиёт ва математикага оид фанлар, табиий фанлар, фалсафа ва илоҳиёт фанлари бўлган. Ҳозирда мазкур асарнинг ўнлаб қўлёзма нашрлари мавжуддир.

«Соф биродарлар» уюшмаси аъзоларининг бекиёс хизматлари шундан иборат эдики, улар биринчилардан бўлиб, ўша даврдаёқ ижтимоий-педагогик таълим технологиясининг методологик асосини ташкил этувчи «шахс» тушунчасини асосладилар ва унинг яхлитлиги ҳақидаги фикрларни таърифлаб бердилар.

«Соф биродарлар» таълимотига кўра, «инсон» мақсадга мувофиқ равишда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, маънавий ва ахлоқий фазилатларга, ақл-идрокка, ҳар хил фанларни ўрганиш ва касб-хунар сирларини эгаллаш салоҳиятига эга, атроф муҳитни онгли равишда билгувчи индивиддир. Ушбу хулосанинг аҳамияти шундаки, Х асрлардаёқ аждодларимиз инсонни онгли фаолият кўрсатиш ва ўзаро алоқа қилиш субъекти деб ҳисоблаганлар. Шунинг билан биргаликда, улар инсонда фақат шахсга хос бўлган хусусиятларни, яъни, индивидни жамият аъзоси сифатида таърифловчи, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фазилатларининг барқарор тизимини ажратиб олганлар. Олимлар шундай деб таъкидладилар: «ҳаёт ва мамот, уйқу ва бедорлик, илмлилик ва жаҳолат, зеҳн ва фаромушхотирлик, ақллилик ва ақлсизлик, соғломлик ва хасталилик, ахлоқлилик ва бадахлоқлилик, сахийлик ва хасислик, ёшлик ва кексалик, ботирлик ва кўрқоқлик, роҳат ва азоб-укубат каби бир-бирига қарама-қарши ҳодисаларнинг алмашинуви ва икки томонламалилиги худди ана шундадир». Мана шу туфайли, «ўзида бир бутун яхлитликни ифода этган маънавий фазилатлар ва ҳар хил бир-бирига қарама-қарши ҳолатлар, яъни дўстлик ва душманлик, камбағаллик ва бойлик, ёшлик ва кексалик, кўрқинч ва ишонч, тўғрилиқ ва алдамчилик, ҳақиқат ва сафсата, чин ва ҳато, меҳр ва зулм, кўримсизлик ва гўзаллик ва шу кабилар оралиғида инсон ўзини маълум изтиробда у ёқдан бу ёққа ташлайди». Аммо, «Соф биродарлар» юқорида келтирилган фазилатларни инсоннинг алоҳида олинган жисмига ёки руҳига эмас, балки яшовчи, фикрловчи ва вафот қилувчи яхлит бир бутунлик

кўринишидаги инсонга таалукли, деб ҳисоблаганлар. Демак, «Номалар» муаллифлари инсондаги қандайдир бир жихатни шахс деб билмасдан, семантик йўл билан инсонда шундай бир моҳиятни ажратиб олганларки, ушбу моҳият ҳозирги замон талқинида шахс тушунчасини англатади.

«Соф биродарлар» таълимотининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар инсоннинг икки тарафламалик, яъни биологик ва ижтимоий моҳиятини алоҳида таъкидлаганлар. Улар «уйқу инсоннинг жисмига, бедорлик эса унинг руҳига боғлиқ бўлгани сингари, инсон ҳаёти ва фикрлаш қобилияти унинг руҳига, ўлими бўлса унинг жисмига боғлиқ» деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича инсоннинг қолган турли ва қарама-қарши ишлари ва ҳолатлари ҳам ана шундай нисбатдадир. Уларнинг бир қисми инсон руҳига, бошқа бир қисми эса унинг жисмига боғлиқ. Шу туфайли, «инсон. . . руҳига тегишли бўлган ақл-идрокка, билимга, фикрлаш қобилиятига, саҳийликка, жасоратга, софликка, ҳақиқатпарварликка, доноликка, тўғрилиқка, ростгўйликка, эзгуликка ва бошқа шу каби мақтовга сазовор ижобий фазилатларга эгадир, инсондаги ушбу фазилатларининг қарама-қаршилари эса унинг жисми ва аралашмаси таркибига тегишлидир». Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, тўла ишонч билан таъкидлашимиз мумкинки, «Соф биродарлар» таълимоти рух, руҳийлик деб инсоний, шахсий фазилатларнинг оддий мажмуини эмас, балки шахснинг баркомоллашуви жараёнини таъминлаб берувчи ижобий фазилатларни ва яхши хислатларни назарда тутган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998. 30-бет.
- 2.«Братья чистоты». Фрагменты из посланий // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIVвв./ Сост. Григорян С.Н., Сагадеев А.В. М.: Соц.-экон. лит., 1961. С.137-159.
- 3.Шарифхўжаев М., Давронов З. Маънавият асослари. Тошкент. 2006й. 301б.